


Азон айтаётиб омонатини топширди



14:30 / 20.11.2018 3737

58 ёшли Машиш Челиктоз Мавлид кечасини ўтказиб, хуфтон намозига азон айта туриб омонатини топширди, дея хабар беради haber7.com сайти. Воқеа 19 ноябрь куни Туркиянинг Дарабозор шаҳарчасида рўй берган. Машиш Челиктоз хуфтон намозига азон айтаётиб, ўзини яхши ҳис қилмаётганини айтади ва ташқарига чиқади. Азонни давом эттириш зарурлигини бот-бот таъкидлаган Челиктоз қўшнисининг ёрдами билан ерга ётқизилади ва шу билан боқий дунёга риҳлат қилади. Гарчанд уни сақлаб қолиш учун тез ёрдам етиб келган бўлса-да, бунинг иложи бўлмаган.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий саллалоҳу алайҳи вассалам:

“Инсон ниманинг устида вафот этса, ўша нарсанинг устида тиради”.

Муслим ривоят қилган.

Аллоҳ охиратини обод қилсин.

Islom.uz портали таҳририяти